

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 13 июль, № 136 (4289)

Жума

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида

Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодийдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда кенг иштирок этишни таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

банкларнинг низоми жамғармасини кўпайтириш, уларнинг капиталга аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва экстримол тутилган инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторларнинг бундан маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозоридан фаол жойлаштириш ҳисобига банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш;

тижорат банкларининг ўз капиталли ҳисобидан янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда мавжуд корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида кенг иштирок этиши, шу асосда рақобатбардор, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш;

нақд пулнинг банкдан ташқари айланishi янада қисқартириш, миқдорларини биринчи талаби бўйича нақд пул билан узлуксиз ва сўзсиз таъминлаш;

мини-банклар тармогини кенгайтириш ва банклар томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш, миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

тижорат банкларини юқори малакали профессионал кадрлар билан мустаҳкамлаш, банкларнинг хизмат кўрсатиш маъсулиятини ва маданиятини ошириш.

2. Молия вазирлиги томонидан 2006 йил якунига буйича давлат бюджетни ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган Марказий банк фойдаланишига бир қисмини куйидаги банкларнинг низоми жамғармасини кўпайтириш ва инвестициялаш ресурсларини кенгайтиришга йўналтириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг таклифи маъқуллансин:

«Микрокредитбанк» — 42 миллиард сўм, шу жумладан 32 миллиард сўм низоми жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаш мақсадида кредит линияси очилсин;

«Пактабанк» — 25 миллиард сўм ҳажмида, шу жумладан 15 миллиард сўм низоми жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм мена-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида кредит линияси очилсин;

«Ипотекбанк» — 25 миллиард сўм, шу жумладан 15 миллиард сўм низоми жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм ипотека кредитлари ҳажминини ошириш мақсадида кредит линияси очилсин;

Тижорат банкларига, йил якуни бўйича барча солиқлар ва тўловлар тўланганидан сўнг, банк фойдаланишига қамидда 30 фоизини банк акционерлик капиталини кўпайтиришга йўналтириш тавсия этилсин.

3. Тижорат банкларига 2012 йилнинг 1 январига даромад (фойда) солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани тасдиқланган мақсадли дастурларга мувофиқ иқтисодий устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга

ошириш учун уч йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлардан олинган даромадлар суммасига тенг миқдорда камайтириш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) бир ой муддатда мажкур солиқ имтиёзларини бериш тартиби тўғрисидаги Низоми тасдиқласин.

4. Куйидаги тартиб ўрнатилсин ва унга мувофиқ: тижорат банкларининг акцияларини фонд биржасида бирламчи очик жойлаштириш мумкин бўлган янги чиқарилаётган акциялар ҳажмининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади (хусусий банклар бундан мустасно);

тижорат банклари акциялари мажбурий тарзда фонд биржаси листингига киритилади ва мунтазам биржа котировкалари матбуотда эълон қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ипотека кредитлаши қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган маблағларни банкларга бозордан Жамғарма томонидан жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз ставкаси ва Жамғарма томонидан имтиёзли кредитлаш дастурини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларига берилган имтиёзли кредит линиялари бўйича фоиз ставкаси ўртасидаги салбий маржани қоплаш учун мақсадли йўналтирсин.

6. Тижорат банклари: ўз филиалларига товар-моддий бойликлар, даромадлар ва бошқа ресурсларни берганда — қўшилган қиймат солиғи ва даромад (фойда) солиғидан; инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий молия институтларининг жалб қилинган кредит линиялари бўйича тижорат банкларини томонидан амалга ошириладиган фоизлар ва бошқа тўловлар бўйича — тўлов манбаидан олинмаган солиқлардан озод қилинсин.

7. Пластик картчалар бўйича тўловларни амалга оширишда фойдаланиладиган пластик картчалар, тўлов терминаллари, дастурий таъминот, банк-матлар, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш асосида қўлдан кўчирилган материаллар импорти қилиш ва улардан фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик картчалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» 445-сонли қарорига асосан берилган божона ва солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2010 йилнинг 1 январига узайтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда куйидагилар бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин: тижорат банклари, молия институтлари, амитентларни ва улар томонидан чиқарилаётган қимматбахо қозғоларни яқка тартибда рейтингли баҳолаш миллий тизимини жорий этиш;

тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг агентликларининг кредитга лаёқатлилик рейтингларини олиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қўнун ҳужжатларига мажкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мажкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллахонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 12 июль

# ИЛМ-ФАНГА ЧАНҚОҚ АВЛЮД

Давлат тест марказидан олинган маълумотларга қўра,  
бу йил олий таълимга умумий қабул миқдори

**63 769** та этиб белгиланган. Жумладан, бакалаври-  
атта ажратилган **51 604** ўринга **19 945** нафар  
абитуриент давлат гранти, **31 659** нафари эса шарт-  
нома асосида ўқишга қабул қилинади.

**Инсон орзу-ҳавас  
билан яшайди. Эзгу ният  
ва мудоага эришиш  
учун эса кишида илм  
олмоққа иштиёқ зарур.  
Қалблари тўла ҳаяжон  
билан ўзлари хоҳлаган  
ўқув даргоҳига ҳужжат  
топираётган ёшларни  
кўрганда, қувониб кета-  
сан, киши.**




Президентимизнинг таълим тизимига қараётган эътибор ва юксак қамқорликлари бугун жаҳоннинг кўлаб мамлакатларида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Ёшларимизнинг нуфузли таълимларда қўллаб-қувватлашга эътибор берилганда, кўлаб талабаларнинг халқаро анжуманларда ўз сўзини айтиётгани айнан таълимга эътибор самарасидир. Шу билан бирга, талабаларнинг кўлаб қиритиш борасидаги рақобатининг охири бораётгани ҳам илму маърифатга чанқоқлик белгисидир. Рақамларга эътибор беринг: 2005 йили бир ўрин учун 4,7 абитуриент курашган бўлса, ўтган йили бу рақам 5,4 га өтди. 2007 йилда эса бир ўринга 6 абитуриент тўғри келиши кўтиляпти. Бу эса олий ўқув юрти даргоҳларига қадам қўётган йигит-қизлардан пухта тайёр-гарликни талаб этади. Зеро, улар талабалик бахти фақат орзу билан насиб этмаслигини яхши билган ҳолда билимларини бойитмоқда-

лар. Низоми номидagi Тошкент давлат педагогика университетига ҳужжат топираётган ёшлар билан суҳбатлашганимизда, бунга яна бир қарра амин бўлди. Биз йигит-қизлардан нима учун айнан ушбу ўқув юртини танлаганини сўрадик. Улар эса бир-бирларига гал бермасдан мамлакатимизда таълим, хусусан, мактаб таълимини ривожлантириш давлат сийсати даражасига кўтарилишини, жамиятимизда ўқитувчи нуфузи охири бораётганини, демакки, ўқитувчи бўлиш энг катта орзулари эканлигини гапирга кетишти. Юз-кўзларидида самимий балқиб турган, кўнгида келажаққа хизмат қилиш орзуси жўш ўрган ёшларга омад тилаймиз!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**  
СУРАТЛАРДА: Низоми номидagi Тошкент давлат педагогика университетига қабул жараёни.

Темур ҚУРБОНОВЕВ олган суратлар.



«АБИТУРИЕНТ — 2007»

## ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Тошкент давлат юридик институтида «Улим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш — жамиятни демократлаштиришдаги муҳим қадам» мавзуда халқаро он-лайн конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари вакиллари, мутахассислар, мажкур институт профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда янгилик ҳуқуқшунослар ҳам иштирок этди.

Анжуманда Тошкент давлат юридик институти ректори, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Мирзаосиф Рустамбоев, Япониянинг Нагоя ва Миэ университетлари профессорлари Татсуёки Уэно, Ичижи Катсуя ва бошқалар мамлакатимизда қўнунни қўлаш ва уни қабул қилиш борасида улим жазоси каби жазо турларига нисбатан Ўзбекистон Конституциясининг асосини ташкил этувчи инсонпарварлик тамойилларига мос ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Асосий Қўнунимизнинг муқаддимасида инсонпарварликка асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш бок мақсад сифатида эътироф этилган.

Конференцияда таъкидландики, улим жазоси тайинлаши шунинг билан бугун жиноят турлари сонининг изчил ва мунтазам қисқартирилиши тенденцияси 1994 йилдан — муқаддим Узебекистоннинг биринчи жиноят кодексини қабул қилинган пайтдан бошланган. Изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ушбу жараёнга мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида улим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши билан яқун ясади. Фармонга қўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб улим жазоси жинойи жазо тури сифатида бекор қилинади ва

унинг ўрнига умрбод ёки узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланади. Улим жазоси ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қўлланиши бора-сида Ўзбекистон Жиноят кодекси жаҳон таърихидаги энг либерал ва муқаммал қўнунлардан бир. Бу қўлаб халқаро экспертлар томонидан эътироф этилган.

Қўнунга киритилган ўзгаришларга асосан, Ўзбекистонда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат икки ҳолатда жиноят — жазони оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинлаши мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси хотин-қизлар, ўн саккиз ёшга тулган жиноят содир этганлар, олтиш ёшдан ошган шахсларга ва туғалланмаган жиноятлар учун тайинланмайди.

Қайд этиш жоизки, Жанубий Корея, Франция, Австрия, Польша, Швейцария, Голландия, Дания, АҚШ каби мамлакатларда умрбод озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо чорасини қўлашда ҳеч қандай чекловлар назарда тутилмаган.

Қўнунинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун жаобгарлик белгиланган нормаларга оид санкцияларда, умрбод озодликдан

маҳрум этиш билан бир қаторда, муқобил жазо сифатида узок муддат (20 йилдан 25 йилгача) озодликдан маҳрум этиш жазосининг тайинлашига йўл қўймайди. Шундай қилиб, Ўзбекистон умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосига мажбурий ҳукм қилиш амалиёти жорий этилган, яъни жазонинг бу турига муқобил жазо чораси қўлланилган қатор мамлакатлар йўлидан бормайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига киритиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш борасидаги ишларнинг мантйкий давоми бўлди.

Он-лайн режимида ўтган халқаро анжуманда хорижий олимлар Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бораётган самараларга юқори баҳо бериб, мамлакатимиз раҳбарни ташаббус билан юртимизда улим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда ҳам катта воқеа бўлганини алоҳида таъкидлади.

Улим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини таъминлаш, демократик тамойилларини мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон жаҳоннинг етакчи давлатлари сифатида мустаҳкам жой олганининг яна бир далилидир. — деди Нагоя университети профессори Казутаки Сигёра. — Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар инсонпарварлик ва адолатпарварлик тамойилларига тўлиқ мос келади ва бу жараён атрафлиқча ўрганилиб, бошқа мамлакатларда ҳам қўлланишга арзийди.

Анжуман иштирокчилари жазо тизимидан улим жазосини чиқариб ташлашнинг ҳуқуқий, ижтимоий, халқаро ва гуманитар аҳамияти, қамоққа олишга санкция беришининг янги тартиби ва уни қўлаш шартларига доир масалалар юзасидан атрафлиқ фикр алмашди.

Жасур КЕНБОВЕВ,  
Уза мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига киритиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш борасидаги ишларнинг мантйкий давоми бўлди.

Он-лайн режимида ўтган халқаро анжуманда хорижий олимлар Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бораётган самараларга юқори баҳо бериб, мамлакатимиз раҳбарни ташаббус билан юртимизда улим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда ҳам катта воқеа бўлганини алоҳида таъкидлади.

Улим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини таъминлаш, демократик тамойилларини мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон жаҳоннинг етакчи давлатлари сифатида мустаҳкам жой олганининг яна бир далилидир. — деди Нагоя университети профессори Казутаки Сигёра. — Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар инсонпарварлик ва адолатпарварлик тамойилларига тўлиқ мос келади ва бу жараён атрафлиқча ўрганилиб, бошқа мамлакатларда ҳам қўлланишга арзийди.

Анжуман иштирокчилари жазо тизимидан улим жазосини чиқариб ташлашнинг ҳуқуқий, ижтимоий, халқаро ва гуманитар аҳамияти, қамоққа олишга санкция беришининг янги тартиби ва уни қўлаш шартларига доир масалалар юзасидан атрафлиқ фикр алмашди.

Жасур КЕНБОВЕВ,  
Уза мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига киритиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш борасидаги ишларнинг мантйкий давоми бўлди.

Он-лайн режимида ўтган халқаро анжуманда хорижий олимлар Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бораётган самараларга юқори баҳо бериб, мамлакатимиз раҳбарни ташаббус билан юртимизда улим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда ҳам катта воқеа бўлганини алоҳида таъкидлади.

Улим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини таъминлаш, демократик тамойилларини мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон жаҳоннинг етакчи давлатлари сифатида мустаҳкам жой олганининг яна бир далилидир. — деди Нагоя университети профессори Казутаки Сигёра. — Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар инсонпарварлик ва адолатпарварлик тамойилларига тўлиқ мос келади ва бу жараён атрафлиқча ўрганилиб, бошқа мамлакатларда ҳам қўлланишга арзийди.

Анжуман иштирокчилари жазо тизимидан улим жазосини чиқариб ташлашнинг ҳуқуқий, ижтимоий, халқаро ва гуманитар аҳамияти, қамоққа олишга санкция беришининг янги тартиби ва уни қўлаш шартларига доир масалалар юзасидан атрафлиқ фикр алмашди.

БИР РАҚАМ  
ШАРХИ

Президентимизнинг 2007 йил 10 июлдаги Фармонига мувофиқ, республикада иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш мақсадларига жорий йил охиригача салкам

**460** МИЛЛАРД СЎМ  
маблағ қўшимча равишда  
ажратилади.


Ушбу Фармон мамлакатимизда аҳолининг меҳнат ҳақи ва турмуш даражасини изчиллик билан ошириб боришни таъминлаш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирларнинг мантйкий давоми бўлиб, у 2010 йилгача аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини 2,5 баравар оширишдан иборат кенг миқёсли дастур ижроси бошлаганини аңглатади.

(Давоми 2-бетда).



Тавето
Таветхона

ЮЗМА-ЮЗ



Компьютеримга вирус тушди...

— Иш фаолиятим ҳисоб-китобга боғлиқлиги боис компьютер олдида кўп ўтирам...

— Компьютер вируси қайсида дастурчи томонидан тузилган дастур бўлиб, бошқа дастурлардан фарқи...

Рустам ОЧИЛОВ, компьютер мутахассиси.


Нуқсонли товарни алмаштириш тартиби қандай?

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ...

— Ҳамкасбимизнинг юбилейига ҳажми 2,5х5 метрлик гилам харид қилгандик...

Нуқсонли товарларни алмаштириш ёки пулини қайтариб олишнинг қонун-қоидалари қандай?

Гулчирай ХУДОЁРОВА, ўқитувчи, Жиззах шаҳри.



ТЕКШИРИШ МУДДАТИ НЕЧА КУН?

— Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш неча кун давом этади?

Муҳаммадҷон ОДИЛОВ, Намангон шаҳри.

— Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш муддати 30 календарь кунидан ошиб кетиши...

— Боғимиздаги анор меваси пишиб етилмасдан чириб кетаяпти...

Умиджон Назиров, Избоскан тумани.

Анор нега чирийдۇ?

— Ўзбекистон шароитида анор дарахтига шира, комсток қурти ва анор мевахўри кучли зарар етказиши мумкин...



Истеъмолга яроқли сув миқдори

— Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича дастури (ЮНЕП) маълумотларида келтирилишича...

Шомиль ХЎЖАЕВ, Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири, профессор.



Равшан МАМАТКУЛОВ, Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг Ахборот хизмати бошлиғи.

Лизинг шартномаси шартли

— Лизингга трактор олгандим. Унинг ижара муддати қай тартибда белгиланади?

М. ХАЙДАРОВ, фермер, Қумқўрғон тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 38-яъни асосий воситалар лизингнинг ставкалари...

Исмоил ХОЛБЎТАЕВ, солиқ инспекцияси инспектори.

— Лизинг шартномасининг муддати туугач, асосий восита лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса...

Телефон ўчганда ҳам ишлайди

— Уяли телефонни ўчириб қўйсангиз, кимлар кўнгирақ қилганини билолмаймиз...

Убайдулла МУРОДОВ, Бухоро вилояти.



— Компаниямиз абонентлари учун «Хабардор бўл» хизмати мавжуд. Айтилайлик, телефон эгаси метрога кириб кетса...

Ферҳод АЛИМОВ, «Билайн»нинг жамоатчилик билан алоқалар бўлими ходими.

— Қизим маҳалламиз дўконидан бир банка томат пастаси харид қилгандим...

Б. КОДИРОВ, Ҳовос тумани.

Ёрлиғида ёзуви йўқ

— Кўпчилик харид қилган маҳсулоти тўғрисидаги маълумотга эга бўлмай туриб, ундан фойдаланади...

Дилбар НАСРИДИНОВА, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мониторинг бўлими бошлиғи.

Пенсионернинг имтиёзи

— Яқинда меҳнат пенсиясига чиқдим. Аммо мол-мулк солиғи бўйича қандай имтиёзга эга эканлигимни билмайман...

Сафар МУРОДОВ, Нуробод тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига киритилган ўзгаришга биноан, пенсионерлар мавжуд иморатининг 60 квадрат метргача бўлган қисми бўйича солиққа тортилмайди...

Жўрақул ПРИМОВ, Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси бош давлат солиқ инспектори.

Меҳр ардоғидасиз

Менинг ёшим 62 да. Шаҳримиздаги пахта тозалаш заводида ишлаб юрганымда...

гиланган тартибда бепул таъминландилар. Станцияларда даволанганларидан овқат пули тўламайди...

М. СОДИҚОВА, Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофазаси қилиш вазирлигининг бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Аризачининг ҳуқуқи

— Ариза ва шикоятларни ўрганиш жараёнида фуқаронинг ўзи шахсан қатнашиши мумкинми?

Насимжон ИЮНУСОВ, Намангон шаҳри.

борот олиш, вахларни шахсан баён этиш ва изоҳлаб бериш, текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш...

Жамолитдин ЭРҒАШЕВ, Намангон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

Тўш найбидегиси зарари

— Офтобда тобланиш фойдалими?

Хидир ҚОБИЛОВ, Бука тумани.

— Ёз кунлари кўш тик кўтарилган вақтда офтобда тобланиш инсон соғлиғи учун фойдали ҳисобланмайди...

Даволанган кунларим учун ҳақ бериладими?

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 28 ноябрда давлат рўйхатидан ўтказилган «Чекка ва ўта муҳим объектларда қурилиш-монтаж ишларини олиб боришнинг вахта усули тўғрисида»ги Низомнинг 7,5 бандига асосан...

Тоҳиржон БОВОЖОНОВ, Хоразм вилояти адлия бошқармасининг бўлими бошлиғи.

Рулни «чап»га бурманг



— Давлат корхонасига тегишли хизмат машинасидан шахсий даромад ортирши мақсадида фойдаланганлик учун қонунда жавобгарлик белгиланганми?

Отбек РАҲИМОВ, Тошкент шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 141-моддасига асосан, ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларидан шахсий бойлик ортириш мақсадида фойдаланишлари мазмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади...

Сайдулло САИДУЛЛАЕВ, Адлия вазирлиги ходими.

— Қорақалпоғистон замини углеводород захираларига бойлиги маълум. У ердан қазиб олинётган табиий газ анчадан бундан мамлакат манфаатларига хизмат қилаётми...

Эгамберган АБДУЛЛАЕВ, Беруний тумани телекоммуникация тармоғи раҳбари.

Темир кони борми?

— Ҳақиқатан ҳам, Қорақалпоғистон ҳудудидаги Султон Увайс тоғ тизмасида, «Нукус-Учкудук» автомобиль йўли ёқасида «Табинбулок» темир кони бор...

Сафаринёз АЛЛАНАЗАРОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари.

Таълим кредити кимларга берилади?

— Мамлакатимиз олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш тартиби ва шартлари қанақа?

С. ПРИМОВ, Шахрисабз.

— Республикамизда таълим кредитлари бериш 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб жорий этилди. У олий таълим муассасаларининг қундузи бўлмиш тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва Ўзбекистон фуқароси бўлган талабаларнинг ўзларига, ота-оналарига ёки васийларига берилиши мумкин...

Таълим кредитлари олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, таълим муассасасининг бакалаврият босқичига ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача муддатта берилади...

Баҳром ХАЙИТОВ, Қошқадарь вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.



Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

# ЎТОВДАН ТАРАЛГАН НУР

Қизилқум саҳросининг қоқ ўртасида, Жайхундан эсган шамол билан Пешку боғларидан таралган бўйлар қўшилган жойда — Чуқурқоқ овулида Таспўлат ога Сақтаганов деган одам яшайди. Нукусдан «Нисон» яйловларига отланган сайис борми, кенгликларда яшаётганлар ҳолидан хабар олишга чоғланган барча раҳбари борми, Учқудуққа йўл олган тижоратчими Таспўлат оғанинг ўтовига бош эгиб киради-да, бир бурда кўмач нон билан бир коса қимиз ичиб ўтади.

ни кўриб, хайратга тушди. Машина моторининг товушини эшитган ўтов эгаси ташкарига чиқди.

— Менман, Таспўлат ога! — деди ҳамроҳим Тухтабой Курбонов ва қария билан кучоқлашиб кўришди. Қария биз билан ҳам кўк сўрашган, ўтовга тақлиф этди. Мўъжизани қарангки, Ер сайёрасидаги энг улкан саҳролардан бири-

ёругда кечалари «Қамбар ботир» билан «Қиз Жибек»ни маза қилиб ўқиб ўтирибман! Таспўлат ога билан нур таралган ўтовда ярим тунгача сўбатлашдик. Халқ оғзаки ижоди намуналари, ибрату ҳикояларини тингладик.

Эртасига «Чуқурқоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жайлаубой Усенов ўғлини уйлантирди. Пойгани ҳам, кўпқарини ҳам томоша қилдик. Айниқса, «Қиз қўйиш» ва «Таंगा олиш» мусобақалари бизларда катта таассурот қолдирди. Яйловдан қайтар эканмиз, марҳум муаллим, Ўзбекистон Қадрамони Алланиёз Утениёзов айтган мана бу гаплар ёдимга тушди: «Бутун болалигим ертўлада ўтди. Тушларимга ўтовлар кириб чиқар эди. Овулдаги бир ўтовнинг ёнига

## Одамлар орасида

нинг ўртасида, шаҳарлардан юзлаб чақирим олисда электр чироғи порлаб турарди.

— Хайрон бўлдингиз, қабарчи бола? — мийғида қулди Таспўлат ога менга қараб. — Газитинга жазабер, Ўзбекистон мустақил бўлган, мана, биз ҳам электр ширағидан баҳраманд бўлиб ўтирибмиз. Елим деген, журтим деген басчилар бизларга қўйиш батареялари ўрнатиб берди. Ана шу

бориб, «Ўтов ясамаммикан?» деган ҳаёлларга ҳам борганман. Бир-икки бор уриниб кўрдим. Қўлимдан келмади. Кейин гишт қўйиб, уй қура бошладим. Аввал онамга, кейин овулдаги ёлғиз кампирга, кейин бошқача. Шу тариха қирқдан ортқ уй қурдим. Икки мактаб, икки касалхона. Бу ишларга, энг аввало, ўтовга бўлган қизиқишим сабаб бўлган!

— Мен ҳам ўтовда туғилганман, — дейди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қадрамони Тўлепберген Қайлибергенов. — Ўтовдаги бешкада онамнинг соҳри алавларини эшитганман, ўтовдан оламга қадам қўйиб чиққанман. Ўтовнинг ички тузилиши, ундаги жиҳозларни қўзғитиш юмиби ҳам тасвирлай оламан. Ўтов ўзига хос кичик Ватандир. Унда халқимизнинг донолиги, фалсафаси ифодаланган.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

### Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби

2007-2008 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентлар қабул қилади:

- хореография педагогикаси, ўқиш муддати — 4 йил;
- хореография жамоалари раҳбари, ўқиш муддати — 4 йил;
- санъатшунос (хореография соҳасида), ўқиш муддати — 4 йил.

Олий мактабда ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қуйидаги ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади:

- ректор номига ариза;
- ўрта ва ўрта махсус маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 3x4 ҳажмдаги 6 та фотосурат;
- паспорт нусхаси;
- ҳарбий гувоҳнома ва паспорт шахсан кўрсатилади.

#### КОНСУЛЬТАЦИЯ ВА ИЖОДИЙ ИМТИХОНЛАР:

- мутахассислик фанларидан 10 июндан 20 июлгача (консультация);
- умумтаълим фанларидан 25 июндан 30 июлгача (консультация).

Мутахассислик фанларидан ижодий имтихонлар 21 июндан 25 июлгача ўтказилади.

#### ТЕСТ СИНОВЛАРИ:

Ўзбекистон тарихи ва ўзбек тили ва адабиётидан 1 август куни тест синовлари ўтказилади.

Ўқишга давлат гранти ҳамда тўлов-шартнома асосида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:  
153-33-59, 153-05-28.  
Факс: 153-24-36.

Олий мактаб манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй (собиқ «Педагогическая» кўчаси), метронинг «Космонавтлар» бекати, 11-троллейбуснинг «Хореография олий мактаби» бекати.

Қабул комиссияси.

## Спорт

### Шералининг кумуш медали

Украинанинг Мариуполь шаҳрида юнон-рум кураши бўйича «Азовмаш» тўртинчи аънавий халқаро турнири бўлиб ўтди.

Курашчилар «кичик жаҳон чемпионати» деб аташадиган мазкур турнирда майдон эгаларидан ташқари Европа, Осиё ва Африка қитъаларидаги 19 мамлакатдан 180 спортчи иштирок этди.

Ушбу мусобақада Рустам Қудратов раҳбарлигидаги етти нафар республикамиз юнон-рум курашчилари ҳам қатнашдилар. 55 килограммгача бўлган вазнда Шерали Шодмонов кумуш медалга сазовор бўлди. У финалда майдон эгаси Юрий Ковалга имкониятни бой бериб қўйди.

## Гимнастикчиларимиз

### Чемпионатга тайёрланишмоқда

Яқинда Штутгартда спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Унга барча жамоалар қизгин тайёрлик кўрмоқда. Чунки бу турнирда 2008 йилда Хитойда ўтадиган Олимпиадада қатнашчилари ҳам аниқланади.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари чемпионатга Москва шаҳрида Шухрат Мамадалиев раҳбарлигида тайёрлик кўришадди. Кена энг иқтидорли гимнастикачимиз Антон Фокин Москвага жўнаб кетди. Эртаинди Иван Олушев, Эмрина Абдуллаева ва Альбина Болец ҳам Россия пойтахтига етиб борарди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, спортчиларимиз жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Б.УММАТОВ.

## Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

### «Крокус Газ Сервис» ҚҚ (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни тақлиф этади:

### ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немиш технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

### «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчачилари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

## «СОВПЛАСТИТАЛ» ҚҚ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб қўшма корхона ташкил этилганлигининг 20 йиллиги арафасида

ишлаб чиқараётган маҳсулотларига тарихда мисли кўрилмаган даражада куйидаги

### ЧЕГИРМАЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Барча турдаги пластмасса маҳсулотларига **30% дан 50% гача.**
- Сополдан ишланган маҳсулотларга **30% гача.**
- Юқори бадий чинни маҳсулотларига **20% гача.**
- Матодан ишланган сунъий гулларга **30% гача.**

### Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 14 август куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказилган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни кўймоқда:

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари томонидан 2006 йил 14 августдаги 11580/3-сонли ижро ҳужжатга асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар «Эски Жўва дехқон бозори» майдони, 28-уйда жойлашган «Эски Жўва дехқон бозори» ОАЖга тегишли ва «Эски Жўва дехқон бозори» идораси олдида сақланаётган давлат рақами 10 АН 976 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-5201» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 432 000 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида зақалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топширилган аризалар ва зақалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин.

Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй.  
Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

Лицензия DB001-000010.

### ОРТИМУМ КОМПЬЮТЕРИ

SB-702 MB VIA  
Cel 2,67  
DDR256MB 80 GB  
Video & Lan Integr  
sound on board  
Баҳоси — 375 000 сўм  
ва ундан юқори.

### NURON

Шахсий компьютер FSC  
ESPRIMO P2511  
946GZ Celeron  
420/512MB/ 80 GB  
Serial/DVD Serial  
ATA/Linux  
Баҳоси — 870 000 сўм.

### FUJITSU SIEMENS

Манзил:  
Тошкент ш.,  
Лисунов к., 2-уй.  
Тел.: 194-60-60.  
Факс: 120-74-93.  
www.nuron.uz

Маҳсулот сертификатланган.

Drive your way

Тел.: 215-89-89,  
215-83-38. Кафолат — 2 йил. Маҳсулот сертификатланган.

Official Partner  
www.hyundai-motor.com

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақадаги бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

2007 йил 24 июль куни соат 15.00 да «115-Тўртқўл автокорхонаси» очик турдаги ҳиссадорлик қамиятида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси бўлиб ўтади.

### ҚўН ТАРТИБИ:

1. «Мидибус УЗ ISUZU SAZ NP.37» русумли 10 та автобусни лизинг асосида олиш масаласи.
2. Автобус лизинг суммасининг 45 фоизи, яъни 174375.0 миң сўм маблағни банк кредити ҳисобидан тўлашни ташкиллаштириш масаласи.
3. Бошқа масалалар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирилик жамоаси мамлакатимизнинг Туркия Ҷумҳуриясидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Улфат Салахетдинович Қодировга отаси

Салахетдин ҚОДИРОВнинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси Учтепа филиали бошқарувчиси Ботир Маматқулович Бангитова палари бузруквори

Маматқул ота БАНГИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗР ФА Микробиология институти жамоаси катта илмий ходим Л.И.Зайнитдиновга акаси

Александр Ибрагимович ЗАЙНИТДИНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА йуқуни — 21.30 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6